

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ АХМЕТ ЖАНАБЕРГЕНОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ-
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Алламбергенов Ахмет Жанабергенович

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий-технологик
компетентликни ривожлантириш.....3

Алламбергенов Ахмет Жанабергенович

Развитие профессионально-технологической компетентности у учащихся
общеобразовательной средней школы23

Allambergenov Axmet Janabergenovich

Developing the professional and technological competency in secondary school
pupils.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМБЕРГЕНОВ АХМЕТ ЖАНАБЕРГЕНОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ-
ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped534 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.vocedu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Утебаев Тажибай Тилеумуратович**
педагогика фанлари доктори, доцент

Бабашев Фарҳад Айтмуратович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси).

У.Алеуов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

З.К.Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўқувчиларда тадқиқотчилик, лойиҳавий, бошқарув, технологик ва ишлаб чиқариш соҳасига доир амалий компетенцияларни ривожлантириш, рақобатбардошлик ва ижтимоий сафарбарликни ошириш, меҳнат бозоридаги вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг бўлажак карьерасини мустақил режалаштиришга тайёрлаш, ўз имкониятларини мустақил баҳолаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг фаол ва интерфаол шакллари таълим амалиётига самарали татбиқ этиш, хилма-хил фаолият жараёнларини имитацион моделлаштиришга асосланган интерфаол таълим моделларини ишлаб чиқиш устувор аҳамият касб этмоқда. Жумладан, АҚШ (Ахборот тармоқ маълумотлар базаси (O*NET)), Буюк Британия (Касбий маслаҳат ташкилотлари), Франция (Таълим ва касб бўйича Миллий ахборотлар бюроси (ONISEP)) каби хорижий давлатлар тажрибаси ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш модели ва дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Дунёда ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг прагматик моделларини ишлаб чиқиш, касбий-технологик компетенцияларнинг таркиб топганлигини ташхис этишнинг диагностик ва коррекцион педагогик механизмларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида дуал таълим тизимини жорий этиш орқали касбий-технологик компетенцияларни ривожлантиришнинг эргономик талабларини ишлаб чиқиш, электив курсларнинг вариативлигини таъминлаш асосида ўқувчиларни мақсадли касбга йўналтиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, технологик таълимга компетенциявий ёндашувни жорий этиш шароитида дидактик материалларни тизимлаштиришнинг ташкилий-методик тамойилларини аниқлаштириш, технологик таълим мазмунини мақсадли лойиҳалашнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб

этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, юқори синф ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантириш модели ва дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон, 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессинал таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ўқувчиларни мақсадли касб-хунарга йўналтириш, касбий фаолиятга тайёрлаш, технологик ва касбий таълим, график тайёргарлик самарадорлигини ошириш масалалари А.Воробьев, Р.Джураев, Ҳ.Жўраев, П.Магзумов, Н.Муслимов, Д.Махмудова, Б.Муқимов, У.Нишоналиев, С.Ражабова, З.Рахимов, Э.Рўзиев, Ў.Толипов, Ж.Турматов, М.Уразова, О.Хайдаров, Ш.Шарипов, О.Қўйсинов, узлуксиз таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг концептуал ва методологик асослари М.Вахобов, О.Мусурмонова, М.Мирсолиева, М.Пардаева, Ш.Ураков, Б.Ходжаев, М.Пардаевалар, ўқувчиларда ижодий фаоллик ва креативликни ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари Б.Адизов, К.Иноқов, Д.Якубжанова қабилар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан А.Володарская, Р.Гаджиев, Э.Зеер, Н.Манько, Е.Никифорова, Т.Озерова, В.Симоненко, О.Смолина, А.Суслов, Г.Хаматгалеева, Э.Шарипова, Г.Ярочкина қабилар томонидан бошланғич касбий таълим муассасаси битирувчиларида таянч компетенцияларни шакллантириш, ўқувчиларда технологик компетентликни ривожлантириш, бўлажак технология фани ўқитувчиларда технологик компетенциясини шакллантиришнинг илмий-педагогик, психологик ва методик асослари ёритиб берилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Хорижлик олимлардан O.Autio (O.Аутио), K.Zhang (K.Ханг), Z.Li (З.Ли), S.Liou (С.Луи), B.Rienties, N.Brouwer & S.Lygo-Baker (Б.Рентис, Н.Брауэр, С.Лиго-Бейкер), Z.Tian (З.Тиан), F.Tan Eng Han (Ф.Тан Энг Хан), T.Trust (Т.Труст), B.Chen (Б.Чен)лар томонидан ўқувчи-ёшлар ва катталарда технологик компетенцияларни ривожлантириш, технологик компетентликни ривожлантиришда коллаборатив ўқитиш ва лойиҳавий фаолиятга ўргатишнинг ўрни, технологик ва касбий таълим мазмунини интеграциялашнинг назарий-методологик жиҳатлари ёритиб берилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2015-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

компетенциявий ёндашув таълим модернизациясининг концептуал асоси эканлигини ёритиб бериш орқали касбий-технологик компетентликнинг моҳияти ва тузилмасини аниқлаштириш;

ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш;

юқори синф ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, Шуманай тумани, Кегейли туманидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 395 нафар респондент-ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, сўровнома, тест, суҳбат, ижодий фаолият натижалари таҳлили, асословчи, шакллантирувчи ва яқунловчи эксперимент ва математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш тузилмаси когнитив-ахборот, коммуникатив, махсус-технологик, ижтимоий компонентларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган интегратив-технологик таълимнинг динамик хусусияти барқарорлигига фаол

таъсир этувчи предметлар ва жараёнларнинг маълум бир доирасига нисбатан ўзаро боғлиқ шахсий сифатларнинг ички интеграллашувини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг когнитив, операцион-амалий (кўникма ва малака), эҳтиёж-мотивацион (қизиқишлар, мотивлар, эҳтиёжлар, касбий-аҳамиятли сифатлар) мезонлари касбга йўналтиришнинг назарий ва амалий жиҳатларининг вертикал педагогика билан бевосита уйғунлигининг натижавийлик даражаси кооперативлигини белгилаш орқали аниқлаштирилган;

юқори синф ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантириш моделининг амалий компоненти “Касбий-технологик компетентлик” тўғарак машғулоти, вариатив тавсифга эга электив курслар ва ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлик даражасини аниқлаш методикасининг ўзаро қайта алоқага киришувининг мақбул адаптивлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик таъминоти лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш, амалий кўникмаларни шакллантириш жараёнида ўқитишнинг интерактив воситаларини оқилона танлаш, креатив тафаккурни ривожлантириш, назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг дуаллик тамойили билан идентифик хусусиятини интеграциялаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликнинг ривожланганлигини баҳолашнинг диагностик воситалари аниқлаштирилган;

ўқувчиларининг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш имконини берадиган ўқув материаллари тизимлаштирилган;

“Касбий-технологик компетентлик” тўғарак машғулотлари дастури ва вариатив электив курслар ишлаб чиқилган;

“Технологик таълим тизимида ижодий лойиҳалар” олимпиадаси Низоми ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти компетенциявий ёндашув умумий ўрта таълим тизимини модернизациялашнинг методологик асоси эканлиги, касбий фаолиятнинг натижавийлиги ва самарадорлигини кафолатлайдиган таянч, умумий ва махсус компетенцияларнинг аниқлаштирилганлиги; касбий-технологик компетентликни ривожлантириш компонентларига мувофиқ, тегишли мотивация, эҳтиёжлар тизими, ўз-ўзини адекват баҳолаш, ўз-ўзини касбий англаш орқали касбий билим, кўникма ва малакалар, касбий

аҳамиятли сифатлар, шахсий хусусиятларни бирлаштиришга ёрдам берадиган мезонлар ва кўрсаткичларнинг ажратиб кўрсатилганлиги; мезонлар ва кўрсаткичларга мувофик, ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос белгилари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш модели, “Касбий-технологик компетентлик” тўғарак машғулоти, вариатив тавсифга эга электив курслар ва ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлик даражасини аниқлаш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш имконини берадиган ўқув материалларининг танлаб олинганлиги ва асослаб берилганлиги; ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш воситаларининг аниқлаштирилганлиги; юқори синф ўқувчиларининг касбий-технологик компетентлигини ривожлантиришни самарали амалга оширишга хизмат қиладиган ўқув-услугий мажмуанинг тузилмаси ва ўзига хослигининг асослаб берилганлиги; интерфаол ўйинларнинг касбий-технологик компетентликнинг шахслараро муносабатлар, истеъмол ва уй-рўзгор маданиятига эгаллик каби амалий компонентларга таъсири, ижодий лойиҳаларнинг дидактик шарт-шароитларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш тузилмаси, ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг когнитив, операцион-амалий, эҳтиёж-мотивацион мезонлари, “Технология” фанидан А2, А2+ даражалари учун таянч ва фанга доир компетенцияларни аниқлаштиришга доир таклифлардан умумий ўрта таълим мактабларининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 30 октябрдаги 01/11-01/01-2349-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида “Технология” фанини ўқитиш мазмуни такомиллаштирилиб, “Технология ва дизайн”, “Сервис хизмати” йўналишлари бўйича янги ўқув дастурларини ишлаб чиқишга эришилган;

ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш модели, “Касбий-технологик компетентлик” тўғарак машғулоти, вариатив тавсифга эга электив курслар ва ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлик даражасини аниқлаш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИТД-1-148. “Касб таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 августдаги 89-03-3197-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришга доир ўқув материалларини мақбул танлаш малакасини оширишга эришилган;

Ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш, амалий кўникмаларни шакллантириш жараёнида ўқитишнинг интерактив воситаларини оқилона танлаш, креатив тафаккурни ривожлантириш, назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг ўзаро алоқадорлигини таъминлашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан касб таълими (бино ва иншоотлар қурилиши) бакалавриат йўналиши учун “Temirbeton konstrukciya elementlerin esaplaw jollari” (“Темирбетон конструкция элементларини ҳисоблаш усуллари”) номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-200 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак мутахассисларни ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришга тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 134 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида компетенциявий ёндашув таълим модернизациясининг концептуал асоси эканлиги, ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантиришнинг моҳияти ва тузилмаси ҳамда мезонлари ва кўрсаткичлари ёритиб берилган.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш сифатини бошқаришнинг концептуал муҳим асосларидан бири профессионал

таълим мазмунини модернизациялаш ва ўқув материалларини лойиҳалаштиришга компетенциявий ёндашувни татбиқ этишдан иборатдир. Ана шундай заруриятдан келиб чиққан ҳолда 2019 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессинал таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони қабул қилинди. Фармонда “профессинал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиги, профессинал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессинал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш” масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати унда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини бошланғич профессинал таълимга қамраб олиш масаласининг кўзда тутилганидир. Бу эса ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашни тақозо этади.

Технологик таълимга компетенциявий ёндашув деганда касбий фаолиятнинг юқори даражаси ва самарадорлигини қафолатлайдиган махсус, умумий ва асосий компетенцияларни ажратиб кўрсатиш асосида мақсадларни аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг мазмуни, ташкилий ва технологик таъминотини танлашнинг ягона тизими тушунилади.

Технологик таълимга компетенциявий ёндашув масалалари республикамиз олимларидан Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, О.А.Қўйсинов, Ж.Р.Турматов, С.Ю.Ражабова, Б.Р.Муқимов кабиларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Технологик билим, малака ва фаолият усулларини ўзлаштиришга йўналтириш мазкур ишларда етакчи ўрин тутди. Компетенциявий ёндашув муаммоси бўйича хорижий ва республикамизда амалга оширилган тадқиқотлар билан танишиш мазкур педагогик ҳодисанинг ягона талқини мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Олимлар (Э.Ф.Зеер, В.А.Водеников, Н.А.Доронин, Н.А.Муслимов, М.Б.Уразова, Ш.Н.Эшпулатов ва бошқалар) таъкидлаганларидек, мамлакатни янада ривожлантиришнинг асосий вазифаси таълимни нафақат энг муҳим ижтимоий соҳа сифатида, балки том маънода, энг муҳим иқтисодий тармоқ сифатида қўллаб-қувватлашдир, чунки айнан бошланғич профессинал таълим мамлакатлар фаровонлиги доимо таяниб келган инсон капиталини тўплаш ва ривожлантиришда тобора ҳал қилувчи роль ўйнаб келмоқда.

Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, М.Пардаевалар ўз изланишларида таъкидлайдиларки, компетенциявий ёндашув – бу таълимий натижага

эришишга йўналтирилган ёндашув бўлиб, унда натижа сифатида ўзлаштирилган маълумотлар миқдори эмас, балки инсоннинг турли мураккаб вазиятларда самарали ҳаракатлана олиш қобилияти муҳим ўрин тутаети. Ушбу вазиятлар тури (тўплами) таълим муассасасининг ўзига хослигига ҳам боғлиқдир.

Компетенциявий ёндашув бизга ўқувчининг фаолият натижаларини янада тўлиқ ва оқилона тасаввур қилиш имконини беради, яъни нафақат ижтимоий ҳаётга тайёрликни, балки замонавий технологиялар оламида ҳам, жамият ҳаётида ҳам динамик ўзгаришлар шароитида ишлаш қобилиятини англатади. Келажакка йўналтирилган мутахассис ўз касби соҳасида янгилик (масалан, рақобатбардош маҳсулотлар) яратишга тайёр бўлиши керак, шунингдек, ўзининг билимлар захирасида тайёр алгоритмлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам ностандарт вазиятларда яратувчанлик, ижодий фикр юритиш асосида муваффақиятли фаолият юритишга қодир бўлиши керак.

Педагогик адабиётларда компетенция ва компетентлик атамалари кўп қўлланилади ва аллақачон ўзининг ўрнига эга. Мазкур тушунчаларнинг кенг қўлланилиши айниқса, таълим мазмунини модернизациялаш (янгилаш) зарурати билан боғлиқдир.

Лотин тилидан таржима қилганда компетенция (competentia) у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик, билим ва тажрибага эга масалалар йиғиндиси маъносини англатади. Яъни, компетенция – бу юқори сифатли самарали фаолият учун зарур бўлган предметлар ва жараёнларнинг маълум бир доирасига нисбатан белгиланадиган ўзаро боғлиқ шахсий сифатлар (билим, кўникма, малака ва фаолият усули) йиғиндисини ўз ичига қамраб олади.

Бугунги кунда компетентлик кўпинча мустақил, масъулиятли (фаолиятни амалга оширишга лаёқатлилик) ва муайян меҳнат функцияларини бажариш қобилияти билан кўникмаларнинг уйғунлиги сифатида белгиланади.

Компетентлик – бу бирор шахсга мазкур жамият учун муҳим бўлган вазибаларни (масалаларни) ҳал этишга қаратилган ҳаракатларининг самарадорлигини (натижавийлигини) баҳолаш натижасида бериладиган таърифдир.

Таҳлилий материаллар асосида ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришга доир қуйидаги компетенциялар тизими аниқлаштирилди: когнитив-ахборот; коммуникатив; махсус-технологик; ижтимоий.

Когнитив-ахборот компетенция касбий фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштириш, ўқувчиларнинг аввал эгалланган билимларга асосланиб янги маълумотларни идрок этишга тайёрлиги билан боғлиқ. У ахборот технологиялари (аудио ва видео ёзувлар, электрон почта, Интернет) ёрдамида шакллантирилади. Ушбу компетенция таркибига ўқувчиларнинг таҳлил қилиш, ахборотни танлаш, ўзгартириш, муаммоларга ечим топиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакалари киради.

Коммуникатив компетенция қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: коммуникатив кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган фанлар (тилларни билиш, мулоқот психологияси, конфликтология, мантик, риторика, нутқ маданияти ва бошқалар соҳасидаги билимлар) соҳасидаги билимлар; коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари (ишбилармонлик алоқаларини аниқ ва тез ўрнатиш, ташаббус кўрсатиш, шахснинг ўзига хослигини адекват идрок этиш ва англаш асосида психологик таъсир ўтказиш, атрофдаги инсонлар билан биргаликдаги фаолиятда фаол муносабатда бўлиш); ўз-ўзини бошқариш қобилияти (ўзининг ва суҳбатдошининг хулқ-атворини меъёрга солиш, можароли вазиятларда самарали чораларни топиш, қулай психологик муҳитни яратиш, шахслараро муносабатлар ривожланишини прогноз қилиш қобилияти); вербал ва новербал ўзаро муносабат маданияти (нутқ техникаси, риторик услублар, баҳс-мунозара ва тортишув техникаси, касбий-педагогик одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, тушуниш ва категориал аппаратдан мақсадли фойдаланиш, нутқ интизомига риоя қилиш, новербал воситалардан фойдаланишни билиш).

Махсус-технологик компетенция – бу реал билиш объектлари билан боғлиқ бўлган мантиқий, методологик, умумилмий фаолият элементларини ўз ичига олган ўқув-билиш фаолиятига доир кўникма ва малакалар йиғиндисидир. Мақсадни белгилаш, режалаштириш, таҳлил қилиш, рефлексия, ўқув-билиш фаолияти муваффақиятини баҳолаш механизмларига эга бўлиш. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш йўллари, муаммоларни ҳал қилишнинг эвристик усуллари, самарали фаолиятнинг ижодий кўникмаларидан фойдаланиш, эҳтимолий, статистик ва билишнинг бошқа усулларида фойдаланиш.

Ижтимоий компетенция ўқувчининг қадриятга йўналганлиги, унинг атроф-муҳитни билиш ва англаш қобилияти, бу эса ўз йўлини топа олиш, ўз хатти-ҳаракатлари мақсадлари учун мақсадли установакаларни танлай олиш, қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлиб, индивидуал таълим йўналиши ва умуман ҳаётий фаолият дастурини аниқлаб, ўқув фаолияти вазиятларида ўқувчининг ўз мавқеини белгилаб олишига имкон беради.

Биз юқорида алоҳида ажратиб кўрсатган компетенциялар касбий-технологик компетентликнинг компонентлари сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, *касбий-технологик компетентлик* – бу когнитив-ахборот, коммуникатив, махсус-технологик, ижтимоий компонентларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган ўқувчиларнинг асосий интегратив хусусияти ҳисобланиб, уларда шаклланган касбий билим, кўникма ва малакалар даражаси ҳамда маълум касбий фаолиятда қўллаш мумкин бўлган касбий муҳим сифатларни ривожлантиришни ўзида акс эттиради.

Тадқиқот доирасида ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилди:

- когнитив мезон – назарий билимларнинг шаклланиш даражаси: билимларнинг ҳажми (тўлиқлиги, чуқурлиги, мустаҳкамлиги); билимларнинг

англанганлиги (мустақил қарор қилиш, асослилик, муаммоли масалаларни қўйиш); касбнинг назарий асосларига қизиқиш (касбга оид адабиётларни ўқиш, касбий маҳорат танловларида, илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш);

- операцион-амалий мезон – касбий кўникмаларни шакллантириш даражаси: ўқувчининг ишлаб чиқариш амалиётида у ёки бу кўникмадан фойдаланганда бажарадиган ҳаракатлар миқдори; кетма-кетлиги; ҳар бир ҳаракатнинг сифати ва бажариш вақти;

- эҳтиёж-мотивацион мезон – ўқувчининг касбий фаолиятга муносабати: ишдан қониқиш даражаси; муваффақиятсизлик ва қийинчиликларга муносабат; касбий мустақил билим олишга муносабат (1-жадвалга қarang).

1-жадвал


Ўқувчиларининг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари

Компонентлар	Мезонлар	Кўрсаткичлар
Когнитив-ахборот	Когнитив	Фанлар бўйича ўзлаштириш (ўртача балл), билимлар сифати.
Коммуникатив	Операцион-амалий	Малака ва кўникмалар: ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш ва технологик ҳужжатларни расмийлаштириш малакалари. Касбий аҳамиятли сифатлар: мустақил ишга тайёрлик, турли маълумотлар берадиган ёрдамчи адабиёт ва профиограммадан фойдаланиш, касб талабларини ўз қобилият ва имкониятлари билан таққослаш, касбий ўз-ўзини белгилашга тайёрликни ўзи бошқариш қобилияти; эҳтиёжни ўрганиш қобилияти; касбий фаолият жараёнида компьютер ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва ишлаш учун зарур адекват ахборот манбаларини аниқлаш қобилияти; лойиҳалар усулларини қўллаш қобилияти; технологик хариталарни тузиш қобилияти ва бошқалар.
Махсус-технологик ва ижтимоий	Эҳтиёж-мотивацион	Ижтимоий-ахлоқий. Касбий. Билиш фаолиятига йўналтирилганлик. Билишга қизиқиш (қўшимча касбий адабиётларни ўқиш). Тўғарак машғулотларида иштирок этиш. Ўқув, илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш. Касбга оид танловларда иштирок этиш.

Мазкур мезонлар ва кўрсаткичларга мувофиқ, ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос белгилари аниқланди.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш модели, ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш мазмуни, дидактик воситалари ҳамда дидактик таъминоти ёритиб берилган.

Мактаб ўқувчиларининг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш, агар умумтаълим мактабида ўқитиш жараёни аниқ мақсадга йўналтирилган модел орқали амалга оширилса самарали бўлиши ҳақидаги хулосага келинди (1-расмга қаранг). Унинг асосий компонентлари сифатида юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Касбий-технологик компетентлик” тўғарак машғулоти ва ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлик даражасини аниқлаш методикаси хизмат қилди.




1-расм. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг касбий-технологик компетентлигини ривожлантириш модели

“Технология” таълим соҳаси бўйича яратилган шарт-шароитлар мактаб ўқувчиларида деярли барча касбий-технологик компетентлик компонентларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бунга 1-9 синфлар учун ишлаб чиқилган “Технология” фани ўқув дастурининг бўлимлари, мавзулари ҳамда ўқувчиларнинг касбий-технологик компетентлик компонентларини таққослаш орқали гувоҳ бўлиш мумкин. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган модел юқори синф ўқувчиларида касбий-технологик компетентлик даражасини оширишга ёрдам беради.

Юқори синфларда (10-11 синфлар) ўтказиладиган “Касбий-технологик компетентлик” тўғарак машғулотида дастурига “Технология” таълим соҳасидаги ўрта умумий таълим мазмунининг мажбурий минимумининг умумий технологик компонентлари ҳам киритилди.

Таълим мазмунининг вариатив компонентини мажбурий ва факультатив таркибий қисмларга бўлиш мумкин. Шу сабабли, ўқувчининг индивидуал хусусиятларига (фаоллик, қобилият, ижодий ташаббус) қараб, таълим мазмунининг вариатив компоненти ҳам махсус (маълум бир касб бўйича) ҳам индивидуал хусусиятга эга (субъектив билим) билимларни ҳисобга олиши керак (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўқув материалларини танлаш тузилмаси

Таълим мазмуни нафақат билим олиш жараёнига, балки илғор фикрлайдиган шахс хусусиятлари ва сифатларини динамик равишда эгаллашга қаратилган бўлиши керак. Инвариант компонентда фундаментал билимларни ўзлаштиришда асосий эътибор ўқувчиларда касбий-техник компетентликни ривожлантириш соҳасида маълум бир дунёқарашни шакллантиришга қаратилиши керак.

Маълум бир ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ, масалан, махсус билимларни ўз ичига олган вариатив компонент, бирор субъектда касбий фаолиятни ўқувчиларни ижодий лойиҳаларни бажаришга ўргатиш методикаси ва технологияси омилини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни шакллантиради.

Ўқувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлган билимларни (хотира, диққат, фикрлаш ва бошқалар) ўз ичига оладиган вариатив

компонент ижодий фаолликни ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш йўллари кенгайтириш, таълим эҳтиёжларини қондиришни кўзда тутди.

Ўқув материалларини танлаш ва структуралаштириш асосида “Касбий-технологик компетентлик” тўғрақ машғулотларнинг ўқув-услубий мажмуаси ишлаб чиқилди.

Ўқув-услубий мажмуанинг компонентлари сифатида қуйидагилар белгиланди: меъёрий хужжатлар (дастур, тақвим-мавзуй режа), услубий ва дидактик материаллар (назарий ва амалий машғулот материаллари, назорат-диагностик воситалар, мактабдан ташқари тадбирлар, ўқув видеофильмлари, ўйинлар ва ижодий лойиҳалар).


Ўқув-услубий мажмуани яратишда унинг тузилмасини ишлаб чиқишнинг объективлик тамойилидан фойдаланилган бўлиб, бу эса бундай тузилманинг асосий элементи – ўрганиш объекти бўлишининг мажбурийлигини англатади. Бир нечта ўзаро алоқадор объектлар мавзуни, бир нечта мавзулар – бўлимни ва ниҳоят бир нечта бўлимлар ўрганилаётган курсни ташкил қилади. Турли билиш даражасига эга ўқувчилар учун ўқув материални тақдим этишни соддалаштириш мақсадида, ушбу ҳар бир қисмни тақдим этишнинг тегишли шакл ва воситаларини танлашни олдиндан ўйлаб кўриб, ўқув материални таркибий қисмларга бўлиш орқали ўқув-услубий мажмуани структуралаштиришнинг объективлик тамойилининг таъминланишига эришилди.

Тадқиқот ишида интерфаол ишчанлик ўйинлари касбий-технологик компетентликнинг тестлар, амалий машғулотлар, тақдимотлар билан текшириб бўлмайдиган шахслараро муносабатлар, истеъмол ва уй-рўзғор маданиятининг мезонларини текшириш каби амалий компонентларини аниқлашда ёрдам берди. Муаллифлик ёндашуви асосида “Хонадон сотиб олиш”, “Ишга жойлашиш” каби ишчанлик ўйинлари ишлаб чиқилди.

Таълим амалиёти ўқитиш жараёнига креатив ёндашадиган ўқитувчилар касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида ижодий лойиҳа методидан муваффақиятли фойдаланаётганлигини кўрсатади. Биз тадқиқотимизда ижодий лойиҳа методини ўғил ва қиз болалар учун бирдек қўллаш имконини берувчи ошпазлик ва миллий ҳунармандчилик мисолида кўриб чиқдик.

Юқори синф ўқувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида уларда технологик фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини таркиб топтириш лозим. Мазкур кўникмаларни муваффақиятли ривожлантириш учун лойиҳалаш ва маҳсулотларни ишлаб чиқишнинг турли методларини қўллаш зарур. Лойиҳалаш ва маҳсулотни тайёрлаш кўникмалари – бу янги ҳунармандчилик, таом ва қандолат маҳсулотларини яратишда ўқувчилар томонидан эгалланиши мумкин бўлган инвариант кўникмалардир.

Ижодий лойиҳа методининг юқори синф ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантиришга таъсири таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Адабиётлар таҳлили асосида ҳар бир босқичнинг мазмуни ва натижаларини акс эттирган ижодий лойиҳаларни бажариш алгоритми ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Ижодий лойиҳаларни бажариш алгоритми


Тадқиқот натижалари асосида ижодий лойиҳаларнинг қуйидаги дидактик шарт-шароитлари аниқлаштирилди: ўқитиш мазмуни, унинг ўзига хосликлари, ўқувчиларни касбий-ижодий лойиҳаларни бажаришга ўргатиш; фаолиятнинг

хилма-хил турларини ташкил этиш, амалий кўникмаларни шакллантириш жараёнида ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаш; креатив тафаккурни ривожлантириш; назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш.

Диссертациянинг “**Ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантириш самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда якуний тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади умумий ўрта таълим шароитида ушбу тадқиқот ишининг фарази (юқори синф ўқувчиларида касбий-технологик компетентликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини асослаш ва аниқлаштириш) эмпирик текширишдан иборат этиб белгиланди.

Тадқиқот 4 босқичда амалга оширилди (4-расмга қаранг).



4-расм. Тажриба-синов ишларини ўтказиш босқичлари

